Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 8 июнь • Чоршанба • № 43 (14204) تركستان ✲ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

# ЗИЁРАТ, МУЛОҚОТ ВА МУЗОКАРАЛАР

## КИМ ЕН САМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР



СУРАТДА: музокаралар пайти. Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва Т. НУРИДДИНОВлар тасвири.

4 июнь куни Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам давлат ташрифи билан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида Ким Ен Сам жаноблари ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

* * *

Шу куни Президентнинг Дўрмондаги қароргоҳида совғалар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Ислом Каримов билан Ким Ен Сам яккама-якка суҳбатлашдилар.

* * *

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ва рафиқаси ташрифининг иккинчи куни Самарқанд сафаридан бошланди.

Корея ва Ўзбекистон давлат байроқлари тикилган аэропортда иккала мамлакат Президентлари ҳамда уларнинг рафиқаларини Самарқанд вилояти ҳокими Пўлат Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг тарихий обидаларини томоша қилдилар. Шоҳи Зинда ва Гўри Амир мақбараларини зиёрат этдилар. Регистон майдонида олий мартабали меҳмонлар шарафига Самарқанд санъат усталари ижросидаги концерт намойиш этилди.

— Бу кўҳна заминда кўрганларим менда теран таассурот қолдирди, — деди Ким Ен Сам жаноблари ЎзА мухбири билан суҳбатда. — Кўркам обидалар бебаҳо санъат намуналарини яратган халқнинг қадимий маданияти, анъаналаридан далолатдир. Бу ерда мен ўзига хос маҳорат ва заргарона нафис меҳнат самарасини кўрдим. Ҳар иккала фазилат ҳам мени лол қолдирди. Яна бир карра Шарқ халқлари аждодларининг юксак маданияти қаршисида таъзим қиламан.

* * *

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ва рафиқаси Президентимиз Ислом Каримов ҳамда рафиқаси ҳамроҳлигида Самарқанд сафаридан сўнг Тошкент вилоятидаги Ким Пен Хва номли корпорацияда бўлди.

Ким Ен Сам жанобларининг Ислом Каримов ҳамроҳлигида ушбу хўжаликка ташриф буюриши узоқ йиллардан буён шу ерда яшаб келаётган ўзбекистонлик корейсларнинг қалбларини тўлқинлантириб юборди. Хўжалик маркази чинакам байрамона тусга кирди. Ислом Каримов ва Ким Ен Сам кўп йиллар хўжаликка раҳбарлик қилган ва унинг юксалишига катта ҳисса қўшган меҳнат қаҳрамони, турли миллат вакилларидан иборат аҳил бир жамоани шакллантирган инсон — Ким Пен Хва шарафига ўрнатилган ёдгорликни зиёрат қилдилар. Жамоанинг меҳнат фахрийлари билан суҳбатда бўлдилар. Кексалик гаштини сураётган Наталья Хван Корея Президентига бу ерда яшаётган корейсларнинг турмуш тарзи ҳақида гапириб берди.

Ким Ен Сам жаноблари корпорациянинг пахта далаларида бўлиб, ғўзани парваришлаш агротехникаси билан танишди. Икки мамлакат раҳбарлари корпорациянинг тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи музейни бориб кўришди.

Корпорациянинг «Қутб юлдузи» кошонасида Корея ва Ўзбекистон Республикалари Президентлари юртимизда яшаётган корейсларнинг вакиллари билан учрашдилар. Президентимиз Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда ўзбекистонлик корейсларнинг муносиб ўрни ҳақида гапирди.

* * *

6 июнь куни Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Миллий боққа ташриф буюрди. Икки мамлакат раҳбарлари шеърият мулкининг султони, халқлар дўстлиги куйчиси, улуғ мутафаккир ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Боғ зиёратидан сўнг Халқлар дўстлиги саройида расмий музокаралар бошланди. Музокаралар чоғида ўзаро муносабатларни янада юқори босқичга кўтариш истаги зоҳир бўлди. Ўзбекистон билан Корея ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик ва самолётлар қатновини йўлга қўйиш ҳақидаги битимлар, фуқароларнинг эркин борди-келдилари тўғрисидаги ўзаро англашмалар меморандуми ҳамда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ва ҳамкорликка оид протоколнинг имзоланиши ана шу эзгу ниятнинг ифодасидир. Бу ҳужжатларни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Се Ген И имзоладилар.

Ислом Каримов музокаралар самарали бўлганини қайд этар экан, эришилган аҳдномалар ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун катта имкониятлар яратишини таъкидлади.

Ким Ен Сам жаноблари ташриф чоғида ўзига кўрсатилган ҳурмат ва Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб аҳолининг яхши турмуш кечириши, миллий ўзига хослигини асраши борасида яратилган шарт-шароит учун миннатдорлик билдирди. Корея Марказий Осиёда муҳим ўрин тутган Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида билади ва у билан алоқаларни кенгайтиришга интилади, деди Корея Президенти.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: Президентларнинг матбуот конференцияси.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУРМАТЛИ ИСЛОМ АБДУҒАНИ ЎҒЛИ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз, ҳурматли жаноб олийларига Ҳаж сафарига муяссар бўлган барча ҳожилар номидан самимий ташаккур билдиришга рухсат бергайсиз. Айни вақтда маълум этамизки, барча ҳожилар кўрсатилган енгиллик ва моддий ёрдам учун Сиздан чексиз миннатдордирлар. Ўзбекистонлик зиёратчилар Каъбаи муаззамада, Арофот ва Минода бўлган вақтларида Сиз муҳтарамга узоқ умр ва савоб ишларингизда муваффақиятлар тилаб дуода бўлдилар ва мустақил Ватанимиз халқларига бахт-саодатлар тиладилар.

Аллоҳ таологa шукрлар айтиб, мамнуният билан хабар қиламизки, Сиз муҳтарамнинг олий буйруғингиз билан Ҳаж сафарини ўтказиш ҳайъати яхши ва самарали ишлагани сабабли ҳожиларга Маккада истиқомат учун тегишли шароитлар яратилди. Сафар давомида улар орасида ўзаро аҳиллик ва иттифоқлик ҳукм сурди ва натижада Аллоҳнинг амрини бажариб, буюк маънавий озуқа олиб қайтдилар. Саудия Арабистони раҳбарияти ҳам Ўзбекистон вакилларига эътибор билан қаради.

Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси ва камина қирол Фаҳд ибн Абдулазиз қабулида бўлиб, ул зотга Сиз — муҳтарам Президентимиз номидан салом етказганимизда, мамнуният билан қабул қилдилар ва ўзларининг Сиз жаноби олийларига ҳам саломларини етказишимизни сўрадилар.

Янги тайинланган Ҳаж ишлари вазири Маҳмуд ибн Муҳаммад Сафар жаноблари бизни қабул қилди ва икки марта зиёратга таклиф этди, ўзбекистонлик ҳожиларнинг ҳол-аҳволидан бохабар бўлиб турди.

Аллоҳ таологa шукрлар бўлсинки, бу йил ҳожиларга мумкин қадар яхши шароитлар яратишга интилдик. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳожиларимиз зиёратларни талаб даражасида ва сидқидилдан адо этиб қайтдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юборилган беш нафар врачимиздан ҳам ҳожилар мамнун бўлдилар.

Макка ва Мадинада яшаётган ҳамюртларимиз ҳам бу йилги Ҳаж маросими уюшқоқлик билан батартиб ташкил қилингани учун Сиз муҳтарамдан ва Ҳаж сафарини ўтказиш ҳайъатидан миннатдор бўлдилар. Улар Ўзбекистон байроғи остида ўлтириб, Оллоҳга шукрлар айтиб, кўзларида ёш билан юртимиздаги барча биродарларига саломлар йўлладилар.

**Абдуғани АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси.**

## Диққат: танлов!

# Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Келаси йилнинг 8 февралида «Туркистон» газетаси ташкил топганига 70 йил тўлади. Ўтган давр ичида газета Ўзбекистон ёшларини ҳар томонлама етук инсон этиб тарбиялаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди. Бугунги кунда эса унинг зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан салмоқлироқдир: навқирон наслни Ватанга муҳаббат, истиқлол ишига садоқат руҳида тарбиялаш, истиқлол ишига камарбаста бўлиш газетанинг бирламчи вазифасидир.

Республикамиз мустақиллиги шарофати билан барча соҳалар қатори машинасозлик, электротехника саноатлари ҳам янгича ўзанга тушиб, ривож топаётир. Бу соҳада ҳам минглаб ёшлар риёзат чекишмоқда, хайрли ишларни амалга оширишмоқда. Шунинг учун ҳам «Туркистон» газетаси «Ўзэлтехсаноат» ассоциацияси корхоналари билан ҳамкорликда «ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!» деган мавзуда ЭНГ ЯХШИ ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАР УЧУН ОЧИҚ КОНКУРС эълон қилишга қарор қилди.

Бугунги кунда «Ўзэлтехсаноат» ассоциацияси таркибида «Ўзбеккабель», «Ўзэлектроаппарат», «Фотон», «Оникс», «Алгоритм» каби йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент радиоэлектрон асбоблар, Чирчиқ трансформатор, «Ташэлектромаш» заводлари, «Вескаф» қўшма корхоналари каби йирик ташкилотлар мавжуд ва бу корхоналарда беҳисоб истиқлол ёшлари шарафли ишларни бажаришмоқда. Уларнинг мақсад ва тилаклари, орзу-ҳаваслари, қувончу ташвишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта. Шу мавзудаги энг яхши МАҚОЛА, ШЕЪР ВА ОЧЕРКЛАР «Туркистон» газетаси саҳифаларида эълон қилиниб борилади. Конкурс газетанинг етмиш йиллик тўйи арафасида якунланади.

ҒОЛИБЛАР учун олтита совринли ўринлар белгиланган. Улар ТЕЛЕВИЗОРЛАР, МАГНИТАФОНЛАР, БИЛЛУР БУЮМЛАР, ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ ва бошқа шу КАБИ МУКОФОТЛАРГА САЗОВОР БЎЛИШАДИ.

**КОНКУРСГА МАРҲАМАТ!**

## «Президент кубоги» халқаро теннис турнири ниҳоясига етди

# Тошкентда яна учрашамиз!

Теннис бўйича «Президент кубоги» учун халқаро мусобақанинг якунловчи кунида шундай сўзлар янгради. Бу сўзларни барча: Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё тарихидаги биринчи профессионал спортчилар мусобақаси ташкилотчилари ҳам, иштирокчилари ҳам, томошабинлар ҳам айтди. «Президент кубоги» мусобақаси 150 минг Америка доллари миқдорида соврин жамғармасига эга бўлган «Челенжер» тоифасидаги турнирларда биринчи бор ўтказилишига қарамай, унда ер куррасидаги барча қитъаларнинг ракетка усталари иштирок этди.

Дастлаб жуфтликлар бўйича мусобақа ғолиблари аниқланди. Марокашлик Карим Аламий билан венгриялик Шандор Ножали россиялик Александр Меринов билан грузиялик Владимир Габричидзени мағлубиятга учратдилар.

Якка кураш бўйича финалда америкалик Чак Адамс бельгиялик Филипп Дель Вульф билан учрашди. Биринчи «Президент кубоги»ни уч ўйинни ҳам ғалаба билан якунлаган Чак Адамс қўлга киритди.

Сўнгра Марказий кортда мусобақа ёпилишига бағишланган тантанали парад бўлди. Финалга чиққан спортчилар, ҳакамлар, мусобақа директорлари ва ташкилотчилари, мусобақани ўтказишга ёрдам берган Тошкент теннис мактабларининг ёш тарбияланувчилари майдонга чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов спорт байрами иштирокчиларига мурожаат қилиб, уларни «Президент кубоги» мусобақаси муваффақиятли якунлангани билан табриклади, мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақият тилади. Профессионал теннисчиларнинг биринчи мусобақаси ўзининг асосий вазифасини бажарди, — деди давлатимиз бошлиғи.

— Бу ўйинлар минбарлардан туриб кузатганларга ҳам, телеэкран қаршисида томоша қилганларга ҳам катта завқ-шавқ бағишлади. Кўп сонли томошабинлар орасида бу ажойиб ўйиннинг минглаб янги мухлиси пайдо бўлганига, келажакда улар халқаро майдонларда ўзларини кўрсатишига ишонаман.

Бу ажойиб мусобақада иштирок этганларнинг ҳаммаси ўз спорт маҳоратини оширишга муваффақ бўлди, — деди Президентимиз. — Аммо, энг муҳими — Тошкентдаги бу учрашув уларга Ўзбекистонга меҳр қўйиш, тинчлик ва барқарорлик нималигини англаш имконини берди. Айни шу тинчлик ва барқарорлик туфайлигина бу ажойиб байрамни ўтказиш мумкин бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# МАТЛУБОТЧИЛАР ҚУРУЛТОЙИ

7 июнь куни Тошкентда республика матлубот жамиятлари уюшмасининг XVIII Қурултойи бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қурултой қатнашчиларига табригини республика Бош вазири ўринбосари М. Усмонов ўқиб эшиттирди.

Қурултойда «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси Б. Абдуғаниев иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш шароитида матлубот кооперациясининг вазифалари ва тараққиёт дастури ҳақида маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, жумладан, қишлоқ аҳлига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, кооператив тизимда мулкни хусусийлаштириш, вилоят матлубот жамиятлари уюшмалари ўртасидаги ички хўжалик муносабатларини такомиллаштириш, аҳолини меъёрланган озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш, товар ресурсларини кўпайтиришда ҳамдўстлик мамлакатларида очилган савдо уйлари ҳамда дўконлар имкониятидан тўлароқ фойдаланиш зарурлиги хусусида гапирди.

Қурултойда «Ўзбекбирлашув» бошқаруви ва назорат органлари тузилди. Б. Абдуғаниев «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси этиб сайланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қурултойда сўзга чиқди.

(ЎзА).

# ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ЎН КУНЛИГИ

Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида юзлаб мактаб ўқувчилари маҳаллий истироҳат боғида бўлиб ўтган «Табиат дўстлари» танловида иштирок этишди. Улар табиий материаллардан ясалган турли буюмларни томошабинлар ва ҳакамлар ҳукмига ҳавола этдилар. Асфальтга расм чизиш танловларида, мактаб тарғибот бригадалари намойиш қилган саҳна кўринишларида атроф муҳит асосий мавзу бўлди. Энг яхши ишлар ва уларнинг муаллифлари яқин кунларда миллий боғда очиладиган табиат ихлосмандлари шаҳар кўргазмасида иштирок этади.

Ёш тошкентликлар июнь ойининг бошидан республикамизда ўтаётган экология ва саломатлик ўн кунлигида шу тариқа иштирок этишмоқда. Жаҳон жамоатчилиги 5 июнда экология ва саломатлик кунини нишонлади. «ЭКОСАН» Ўзбекистон халқаро экология ва саломатлик жамғармаси шу ўн кунликни ўтказиш ташаббускори бўлди.

Маданият арбоблари экология ва саломатлик ўн кунлигида фаол иштирок этишмоқда, улар туркум хайрия концертлари кўрсатишмоқда. Масалан, ўн кунликка атаб тайёрланган дастурда Тошкентдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти ўтказилди. Тўпланган маблағни шаҳар ташқарисида ахлатни қайта ишлайдиган иккита завод қурилишига ажратиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, «Рассом ва табиат» республика кўргазмаси очилади, унда Ўзбекистон рассомларининг ватанга муҳаббат, атроф муҳит билан уйғунлик мавзусидаги асарлари намойиш қилинади. Тошкентнинг марказий кўчаси — Сайлгоҳда гуллар байрами бўлади. Бу ерда Ўзбекистон ўсимликлар дунёсининг ранг-баранглиги билан танишибгина қолмай, манзарали боғдорчилик давлат хўжалиги, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ботаника боғи намойиш қиладиган гулларни сотиб олиш ҳам мумкин.

Ўн кунлик ташкилотчилари маърифий суҳбатлар ва лекциялар туркумига катта аҳамият беришмоқда. Етакчи эколог олимлар қишлоқ меҳнатчилари, саноат корхоналарининг ишчилари, мактаб ўқувчилари ва талабалари билан суҳбат ўтказадилар.

Экология ва саломатлик ўн кунлиги доирасида яна бир муҳим воқеа бўлди — Тошкентда «ЭКОСАН» клуби очилди. Ўзбекистоннинг таниқли олимлари, республикадаги йирик олий ўқув юртларининг раҳбарлари, илмдаги турли соҳаларнинг энг яхши мутахассислари шу клубнинг аъзоларидир. Марказий Осиё республикалари, Россия, АҚШ, Европадаги баъзи мамлакатлар олимлари ва мутахассислари ҳам клуб ишида қатнашиш истагини билдирдилар. Янги клуб аъзоларининг мақсади ҳозирги замоннинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қўшма тадқиқотларни олиб боришдан иборат. Экология фалокатининг олдини олиш шу муаммоларнинг энг муҳимидир.

«ЭКОСАН» жамғармасининг Ўзбекистонда экология вазиятини соғломлаштириш учун оммавий ҳаракатни бошлаш тўғрисидаги даъватини ишчилар ва деҳқонлар ҳам, талабалар ва мактаб ўқувчилари ҳам қўллаб-қувватламоқда. Ўн кунликни ўтказиш учун тузилган штабга келаётган жуда кўплаб хатлар ва телеграммаларда республикамиз меҳнатчилари бу олижаноб ташаббусни маъқуллабгина қолмай, бу ҳаётий муҳим вазифани ҳал этиш учун жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилишмоқда.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Туғруқхонада бир кун

# ОНАЛАРНИНГ ҲАММАСИ БАХТЛИ

**Тўлғоқ тутди аёлни оқшом,**
**Тонгга қадар олишиб чиқди.**
**Борлиғидан йўқолди ором,**
**Чақнагандек бўлди**
**чақмоқлар**
**Тарқаб кетди бутун**
**қийноқлар—**
**Чақалоқнинг чинқириғидан...**

Туғруқхонага йўли тушмаган одамлар бормикан бу дунёда! Қизи ёки келинидан ҳол сўраш учун келаётган онахонлару, дугоналарини қутлашга шошилаётган талаба қизларни кузатаман. Қўлида тўрхалта кўтариб, рафиқасининг ҳузурига ошиқаётган навқирон йигитларларга кўзим тушади.

Дарвоқе, чиллахона деб аталмиш муқаддас даргоҳга элтгувчи бу қадрдон сўқмоқларнинг адоғи йўқ.

Пойтахтимиздаги 1-туғруқхона дарвозасидан кириб борарканман, қутлуғ бир синовга ҳозирлик кўраётган одамдек ҳаяжонланаман. Ҳаяжонланмай бўладими! Ахир бу гўшада кунига қанча-қанча чақалоқлар ҳаёт билан юзлашади, она исини туяди.

Ноила Исаева 15 йилдан буён шу ерда ишлайди. Гинекалогия бўлимининг етакчи шифокорларидан бири. Неча-неча аёлларга энг ожиз, энг қалтис дамларида — икки дунё оралиғида турган пайтларида кўмакка қўл чўзган бу куюнчак врач бугун ҳам тунги навбатчиликдан чиққан экан. Ҳаётида нечанчи марта тонгни уйқусиз қаршилаганининг ҳисобини эҳтимол унинг ўзи ҳам билмас... Беихтиёр ҳол-аҳвол сўрайман.

**— Ҳорманг, Ноила опа! Чарчамадингизми!**

— Раҳмат! Чарчамадим. Навбатчилигимиз ҳам ёмон ўтмади шекилли. Яхши дейишга қўрқаман. Кўз тегиши мумкин. Кеча қабул қилган 11 беморимизнинг бештасини кечаси рўйхатга олишга тўғри келди. Бир аёлни жарроҳлик йўли билан операция қилишимизга тўғри келди.

**— Туғруқхонанинг бугунги аҳволидан кўнглингиз тўладими!**

— Бутунлай тўлади, деб айтолмайман. Керакли дориларнинг ҳаммаси ҳар доим ҳам топилавермайди. Унинг устига бизнинг бўлимимизга кўпинча аёллар катта муддатдаги ҳомилаларининг тушиб қолиш хавфи билан келишади. Бу нарса кўпинча ўткир юқумли касалликлар, айниқса грипп ва камқонликнинг асорати туфайли юзага келади. Назаримда аёлларимиз нимжонлашиб қолаётганга ўхшайди. Баъзан иссиқ қон керак бўлиб қолади. Шунда врачларимиз, ҳамшираларимиз, ҳатто талабаларимиз ҳам қон бериб, оналарни фожиадан қутқариб қолаётган қўллари ҳам тез-тез учраб турмоқда. Яқинда Раъно Низомхўжаева деган врачимиз туғиш жараёнида кўп қон йўқотган бир аёлга 500 грамм қон бериб, уни ўлимдан асраб қолди. Мана шундай ажойиб ҳамкасбларим борлигини ўйласам, кўнглим таскин топгандек бўлади.

**— Янглишмасам, бу туғруқхона Тошкент шаҳридаги яккаягона юрак хасталиклари билан оғриётган аёллар учун ихтисослашган махсус туғруқхона ҳисобланади. Шундайми!**

— Ҳа, бизнинг битта қулай жиҳатимиз борки, у ҳам бўлса, туғруқхонамиз 1-шаҳар касалхонаси ҳудудида жойлашганлигидир. Биз истаган пайтимизда турли мутахассисликдаги ҳамкасбларимизни ёрдамга, маслаҳатга чорлашимиз мумкин. Яна туғруқхонамизда — кекса кордиолог врачимиз Дилбар опа Қодирова юрак хасталиклари бўлган аёлларни туғиш жараёнига олдиндан ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёрлаб борадилар.

Шундан сўнг туғруқхона бош дояси Жамилахон Иноғомова билан ҳамкорликда бўлимларни айландик. Икки қисмдан иборат бўлган гинекология бўлимида 80 нафар аёл даволаниши мумкин.

Туғиш бўлими ҳам иккига ажратилган. 40 аёлга мўлжалланган абсервация— биринчи қаватдаги бўлимга турли хасталиклари мавжуд бўлган ёки қон кетиш, сув кетиш туфайли бевақт туғишга келган ҳомиладорлар қабул қилинади. Учинчи қаватдаги 80 ўринли физиология бўлимида эса асосан соғлом аёлларнинг кўзи ёрийди. Шуниси ачинарлики, айни кунларда хасталиклар бўлимида жой танқислиги анча-мунча сезилиб қолган.

Абсервация бўлимида тажрибали педиатр — болалар врачи Шоира опа Исоқова билан ҳамсуҳбат бўлдик:

— Ҳар куни туғиладиган 9—10 нафар чақалоғимизнинг икки ёки учтаси оғир туғилади. Уларни ҳаётга қайтариб олиш албатта, осон эмас. Биласизми, туғишгина эмас, туғилиш ҳам қийин. Чақалоқнинг тили йўқлиги учун айтолмайди буни. Шунинг учун аёлларимиз ҳомиладорликларини сезган кунларидан бошлабоқ туғилажак фарзандлари ҳақида ўйлашлари керак. Ўйлаш шундан иборатки, улар ўзларини қанчалик авайлаб, яхши парвариш қилсалар, чақалоқларимиз шунча енгил ва соғлом туғилади. Биз чақалоқларимизнинг йиғиси қанча янгроқ ва ўткир бўлса, ҳаракатчанлиги, сезувчанлиги яхши бўлса, шунчалик суюнамиз!

Дарҳақиқат, касалманд онадан ҳар доим ҳам соғлом фарзанд дунёга келавермайди. Зотан, ўз соғлиги ҳақида қайғурмайдиган оналарни оқлаб бўлмайди.

Бизни қувонтирган яна бир нарса шу бўлдики, ўтган йили республикада биринчи бўлиб Тошкент шаҳар ҳокимияти, Шайхонтоҳур тумани соғликни сақлаш бош бошқармаси, шунингдек 1-касалхона маъмуриятининг саъй-ҳаракатлари билан ушбу туғруқхона қошида аёллар экстро-генетал хасталиклари бўлими очилган. Бу бўлимда туғиш ёшидаги аёллар ҳомиладорликка боғлик бўлмаган бошқа хил касалликларини ҳам даволатишлари мумкин. 20 ўринли бу бўлим ниҳоятда шинам ва озода. Аёллар учун барча қулайликлар мавжуд.

Туғруқхонадан қайтар эканман, унинг деразаларидан йўқлаб келган яқинлари билан гурунглашаётган оқ дуррали оналарга кўзим тушди, узиқюлиқ гаплар қулоғимга чалинди. Кимдир эри билан астойдил ўғлига исм танлайди. Бошқаси ойисига: «Набирангиз кимга ўхшайди?» деб чақалоғини ойнадан кўрсатади, яна бири синглисига пардоз-андоз буюмларини келтириб беришини илтимос қилади ва ҳоказо. Энг муҳими, уларнинг ҳаммаси бахтиёр ва хотиржам сўзлайдилар. Хуллас, бир зумгина кузатиб турсангиз, неча-неча тақдирларга боғланиб қолганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Дераза ичкарисидагиларга ҳавасингиз келади, чақалоқ ҳидини соғина бошлайсиз ва беихтиёр «оналарнинг ҳаммаси бахтли!» деб пичирлайсиз!

**Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**Тошкент шаҳри.**

**ОИЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНГАН «АЕЛ, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЭРТАГА ТОШКЕНТДА ОЧИЛАДИ**

**Унда Америка, Россия, Хитой, Франция, Ҳиндистон сингари жаҳоннинг йигирмадан ортиқ йирик мамлакатларидан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда.**

**Соғлом авлод учун кураш, оналар ва болалар саломатлиги, оилани ижтимоий муҳофаза этиш ер юзидаги ҳар бир инсонни ўйлантириши табиий. Ушбу анжуман ҳам моҳият-эътибори билан шу мақсадга хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов айтганидек, «Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир. Биз тарихан қисқа фурсат ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам яхши англаб етдик. Бизга шу вақтга қадар ҳасад билан қараганлар ҳам энди ҳавас билан қарамоқда, танлаган йўлимиз тўғри эканини тан олмоқда».**

**Диёримизда жаҳон миқёсидаги тадбир ва анжуманлар бўлиб ўтиши анъанавий тус олмоқда. Ўйлаймизки, бу анжуман ҳам маданий ҳаётимизда ёрқин из қолдиради.**

Соғлом авлод учун

# СИЗ ДУНЁ СЕВИНЧИСИЗ...

Бу ҳаётда неки куч-қудрат-у, сеҳру-жозиба борки ҳаммаси аёл номи билан боғлиқ. Аёллар — улар бизнинг мўътабар момоларимиз, муҳтарама оналаримиз, азиз опа-сингилларимиз, хуллас ҳаёт давомчилари...

Андижон вилояти аёллар қўмитаси фаолияти билан танишар эканман, биз эркаклар аёллар олдида қанчалик бурчли, қарздор эканлигимизни чуқур англадим. Аёл гўзаллиги, шаъни, эҳтироми, фидойилиги ҳақида асрлар бўйи таърифу тавсифлар жуда кўп айтилди. Андижон вилояти аёллар қўмитаси фаолиятига қараб, «инқилобий ўзгаришлар ясаш вақти келибди, бу заруратга айланибди, бўлар экан-ку!» дейсан.

Вилоят аёллар қўмитасининг раисаси Турсуной Содиқова қисқа вақтда ҳар бир туман ҳокимиятида бўлиб, аёллар қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга эришди. Шу кунда Қорасув ва Хонобод шаҳарларини ҳисобга олмаганда ўн тўрт туман, Андижон ва Асака шаҳарларида маош олиб ишлаётган аёллар қўмиталари раисалари иш олиб бораяптилар. Жамоа хўжаликларининг етмиш фоизида ойлик билан ишлайдиган аёллар етакчилари сайланди ва бу жараён давом этмоқда.

— Аёл сифатида ҳам она сифатида ҳам хотин-қизлар жамиятга таъсир кўрсатади, —дейди Турсуной опа.—Ёш оналарни маънавий тарбиялаш, оилани бутун сақлаш учун нафақат ёшларни, балки катталарни ҳам тартибга чақириб туриш, ташвиқот ишларининг оҳанграболи йўлларини излаш бизнинг мақсад йўлимиз бўлмоғи керак.

Андижон вилояти аёллар қўмитаси фаолият бошлаган икки йил ичида бир қатор диққатга лойиқ вазифаларни бажарди. Жумладан, аёлларнинг ижтимоий ва маънавий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, омма орасида оила тарбиясининг мустаҳкамлигида, ёшларни миллий руҳда улғайтириш йўлида анчагина ишларни амалга оширди.

Вилоят аёллар қўмитаси имкон борича халқ орасида бўлишга, унинг кўнглидаги гапни билиш, мулоқотлар олиб бориш ва маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликда чора-тадбирлар қўллашга интилмоқда. Вилоят аёллар қўмитасининг таклифи билан Избоскандаги ип йигирув фабрикасидаги ҳомиладор аёллар учун иши енгиллаштирилган махсус цех ташкил этилди. Соғлом авлод учун юрт раҳбарлари жон куйдираётган вақтда аёллар қўмитаси ташаббус билан чиқмоқда. Айниқса, Шаҳрихон тумани аёллар қўмитаси ҳам намунали ишларни амалга оширмоқда.

—Нодирабегим номли истироҳат боғи ташкил этдик,—дейди қўмита раисаси Шодмоной Мирзаева,—Қурилишда Шаҳрихоннинг ҳар бир ташкилоти, ёшлари иштирок этдилар. Ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар. Биз нимаики иш қилсак халқимиз учун, фаровонлик учун қилаяпмиз. Туман ҳокимияти билан келишган ҳолда аёлларнинг ҳомиладорлик таътилига чиқишни икки ойдан, деб белгилаб қўйдик. Соғлом авлод учун энг аввало она масъулдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир соҳада аёлларимизга кўмак беришни мақсад қилиб қўйдик.

Ҳамма даврларда ҳам аёл кишининг энг муқаддас вазифаси бола тарбияси бўлиб қолади. Ҳар бир яхши иш оналар ва болалар ўртасидаги бевақт ўлимнинг олдини олишга хизмат қилмоғи керак.

Халқимизда шундай гап бор: «бола подшо». Ҳақиқатда ҳам унинг камоли йўлида ота-она бор бисотини, умрини тикади.

«Бола подшо» дедик... Вақти келиб бола улуғ аллома, фидойи жангчи, суюкли ёр, яратувчи инсон бўлиб етишади. Чақалоқ туғилган уйда умид туғилади. Келажак тонгига ишонч туғилади.

**Соибжон РАҲМОНОВ,**
**Андижон вилояти.**










## ГЎЗАЛЛИК БЕКАЛАРИ

Аёл латофати, назокати ҳақида кўп эшитганмиз, кўп сўзлаганмиз. Уларнинг майин табассумлари, чақноқ нигоҳлари бор жой шубҳасиз бекиёс гўзалдир. Айниқса, уларнинг нозик ва чевар қўлларида тикилган кийимлар (1-сурат), тўқилган гиламлар (2-сурат), пиширилган таомлар (3-сурат) дилларга қувонч бағишлайди. Шу сабаб бизнинг серқуёш юртда аёллар қадри юксакдир. Уларнинг кўнгилтортар меҳнатлари учун ҳар бир шаҳару, ҳар бир қишлоқда шарт-шароитлар муҳайё. Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратиш учун улар ҳам бугун қатъий ишонч билан меҳнат қилмоқдалар.

**Суратчилар: К. ЎЛМАСОВ ва У. ҚЎШВОҚОВ.**

Меҳнатдан келса бойлик...

# ЎЗИМ ГУЛ ТИКАМАН...

Катта энам жуда доно аёл эдилар. «Кунтуғмиш», «Алпомиш», «Юсуф ва Зулайҳо» достонларини тинглашни жуда-жуда яхши кўрардилар. Ҳар бир гапларига битта ҳикматли иборани қўшмасдан гапирмасдилар. Шунинг учун энамнинг гапларини тез-тез ёдимга тушириб тураман.

— Эркак кўчанинг кишиси. Аёл ичкарининг. Эркакнинг вазифаси топиб келиш, аёлнинг иши уни уддабуронлик билан, оқилона тайёрлаш ва сарфлаш, — деган гапни кўп қайтарардилар.

Нурободда учратганим Фазилат Эшқувватова ўз уддабуронлиги билан оиласига файз киритаётганлар тоифасидан экан. Фазилатхон қўли гул чевар, устагилам тўқувчи, жияк тикувчи, саранжом-саришталы уй бекаси.

Фазилатхон гиламдўзлик санъатини мактаб қизларига ҳам, қишлоқ, шаҳар қизларига ҳам ўргатаётган эканлар.

**— Магазинларда гилам камайиб, бунинг устига қимматлашиб қолганлиги учун сизларнинг гиламларингизга талаб ҳам катта бўлса керак-а?**

— Нурободда уй бекалари асосан гилам тўқишади. Ҳозир буюртма жуда кўпайган. Пахтачилик билан шуғулланадиган туманларда, қўшни Жиззах, Навоий вилоятларидан ҳам келиб, гилам олиб кетишяпти.

**— Гиламга ипларни ҳам ўзингиз тайёрлайсизми?**

— «Навоийазот» бирлашмасида тайёрланадиган сунъий иплардан тўқиётган эдик. Энди иплар камайиб кетди. Ўзимизнинг эски усулга — жундан гилам тўқишга ўтаяпмиз.

**— Жун гиламга талаб катта эмасми?**

— Жун гилам иссиқ, фойдали. Лекин унинг иши кўп. Жун титиш, уни йигириш, кейин тайёр ипларни ҳар хил рангга бўяш, калавалаш, кўп меҳнат талаб қилади. Сунъий иплар тайёр, турли рангли бўлганлиги учун ҳам бизларга маъқул эди.

**— Қанча вақтда битта гилам тўқиш мумкин?**

— Икки-уч ойда. Мен кўп қаватли уйда тураман. Лекин уйга дастгоҳ ўрнатганман. Сентябрдан бери бешта гилам тўқиб сотдим.

**— Қўлда тўқилгани учун қиммат турса керак-а?**

— Қилинган меҳнат бекорга кетмайди.

**— Анча даромад қилар экансиз.**

— Рўзғор — ғор дейишади. Қанча бўлса шунча кетади. Уйга ҳали у, ҳали бу нарса харид қилиш керак.

**— Янги рўзғормисизлар?**

— Оила қурганимизга саккиз йил бўлди. Икки фарзандим бор. Турмуш ўртоғим ўқитувчи бўлиб ишлайдилар. Қўлимдан келган ҳунарим билан рўзғорга қарашиб тураман-да.

**— Яна қандай ҳунарингиз бор?**

— Ўзбек аёллари жияксиз лозим кийишмайди. Эҳтиёж катта бўлганлиги учун жияк тўқийман, ўзим гул тикаман. Уларни сотиб, камчиликларга сарфлайман. Шунинг учун бизнинг оилада қимматчилик унчалик сезилмайди.

**— Оилани эркак киши боқиши, таъминлаши керак деган фикрга қандай муносабат билдирасиз?**

— Эркак олиб келади деб қўлига қараб ўтириш керак эмас, деб биламан. Оила фақат ул киши учун керак эмас-ку. Ахир унга меҳр қўйсангиз, ачинсангиз — унинг қийналганини кўриб туриб ҳам томоша қилиб ўтиролмайсиз-да. Яна қўлингиздан нимадир қилиш келса. Бекорчиликдан фақат кераксиз гап келиб чиқади.

**— Сиз ҳангомани ёқтирмайсизми?**

— Шунчаки гаплашиб ўтиришга вақтим йўқ. Бўш вақтим бўлса қайнонамни, қайнопаларимни, ўз уйимиздагиларни кўришга бораман.

**— Харид қилишни ёқтирасизми?**

— У кишидан ойлигингиздан кўйлак олиб беринг, деб талаб қилмайман. Янги кўйлак кийгим келса — нимадир тўқиб, ё тикиб сотаманда, пулига оламан.

**— Барибир ўртоғингиз совға қилса бошқача таъсир қилмайдими?**

— Нима фарқи бор. Агар у киши менга ўз ойлигидан нимадир совға қилса, мен топган пулга рўзғорга бошқа нарса оламиз-ку.

**— У кишидан бемаслаҳат бирор нарса олаверасизми?**

— Гарчи меҳнат қилиб пул топсам-да, у кишидан сўроқсиз ҳеч нарса олмайман. Маслаҳатлашиб оламиз. Аҳил турамиз. Бир-биримизни авайлаймиз, сир сақламаймиз.

**— Аёллар қай ҳолатларда ўз қадрини ерга уради деб ўйлайсиз?**

— Меҳнат қилишни ёқтирмаганда. Узоқни ўйламайдиганлар, фикрлашни билмайдиганлар меҳнат қилишдан кўра бузуқ йўллар билан пул топишни ўйлайдилар.

**— Баъзилар фақат давлат ишида ишлабгина пул топиш мумкин деб ўйлашади.**

— Биз томонларда озчилик қизлар олий ўқув юртларида ўқишади. Лекин ҳеч қаерда ишлашмаса-да, ўз меҳнатлари билан пул топишни билишади.

**— Аёлнинг уддабуронлиги фақат пул топишми?**

— Аёлнинг, уддабуронлиги саришталиги — оила тотувлигидир. Аёли уддабурон бўлган хонадондан қут-барака аримайди.

Оиланинг муқаддаслиги ана шундай аёлларни учратганингда янада кўпроқ билинади.

**Гули ЧЕҲРА.**

● ДАРДНИНГ КЕЛИШИ ОСОН.
● ВАФОЛИ БУЛИШ ОСОНМИ?
● МУҲАББАТ БОР ЭКАН ДУНЁДА.

# САДОҚАТ САДАФИ

**...Бир ғариб кўнглини**
**қила олсанг шод,**
**Яхшидир ер юзини**
**қилгандан обод.**
**Умар ҲАЙЁМ.**

Фавворанинг минг бир чашми — ёшларга ўхшаб сув юзасига томчилайди. Шўх-шодон болакайлар бу кўм-кўк сувда чўмилишар, атрофдаги миршабнинг ҳай-ҳайлашига парво қилишмас, миршаб у ёққа борса, болалар сувда бу ёққа қочишар, бу ёқдан келса, у ёққа шўнғиб кетишарди. Улар сувдан чиқишмас, миршаб эса сувга тушолмасди..

Атрофдаги беморлар, оқ халат кийган ҳамширалар болалар ўйинидан мароқланиб кулишарди.

Мен кўзимни ногиронлар аравачасида ўтирган йигитдан узолмайман. У сезилар-сезилмас жилмаяди. Ажаб эмаски, болалар қаторига қўшилиб чўмилгиси, улар билан сувда сузиб пойга ўйнагиси келса... Лекин...

Миршаб яшил кўкатлар ортида болалар яшириб қўйган кийимларни қўлтиққа қисиб олиб, индамай кетаверди. Қийқириб чўмилаётган болалар худди ўрдак полапонларига ўхшаб бир лаҳзада сувдан чиқдилар-да, миршабга ялина бошладилар:

— Кийимларимизни бера қолинг, жон амаки, бошқа чўмилмаймиз, бу ерда...

Миршаб уларни бир оз танбеҳлаб, кийимларини бериб юборди. Болалар кетгач, даволанувчилар ҳам бирин-кетин ўринларидан қўзғалдилар. Бояги ногиронлар аравачасидаги йигитни ёнида парвона бўлиб турган аёл олиб кета бошлади. Биз ёр—маҳбуб ҳам қорама-қора уларга эргашдик, Лифтда улар бешинчи қаватга кўтарилишди. Бахтимизни қарангки, улар билан қўшни палатага жойлашган эканмиз. Тез орада танишиб олдик. Йигитнинг исми Илҳомжон экан. Илҳомжон Зокиров. Аёлининг исми эса—Қумрихон. Узоқ вақтгача суҳбатлашиб ўтирдик. Ўзлари Жиззахдан эканлиги, уч фарзандлари борлигини, ўн уч йил бурун Илҳомжонни машина уриб кетганлигини, ўшандан бери шу дард билан олишиб келаётганларини айтишди.

Эҳ-ҳе, Қумрихон Илҳомжонни қайтадан оёққа қўяман деб не-не ҳаракатлар қилмаган экан дейсиз. Ҳатто, Москвада ҳам бир неча маротаба даволатиб келибди. Аммо, афсус, «Бошга тушганни кўз кўрар» деганларидек, дард чеккан бемор эмас, унга қаровчи бемор экан.

Эртасига ҳам, индинига ҳам суҳбатларимиз давом этди. Бу касалликни даволашнинг янги усуллари борлиги — Валентин Дикуль аппаратлари ҳақида гапирганимизда Илҳомжоннинг кўзларидаги умид чироқлари порлаб кетди. Қумрихон эса аппаратнинг ҳар бир қисмигача қизиқиб сўрарди.

— Барибир, барибир Илҳомжон акамни оёққа турғазаман. Оёқларимни берсам бераманки, сизни оёққа турғазаман, — дер эди.

Илҳомжон жилмаяди:

— Шу бежирим оёқлар менинг тоғдек оғир дардларимни кўтариб юрибди-ку, яна нима дейсиз?

Йигит дардларини унутганда Қумрихон очилиб-сочилиб кетарди, унинг кўз қирралари, лабларининг бурчи атрофидаги сезилар-сезилмас ажинлар, бу кўҳлик аёл ҳуснига зарра озор беролмас, лекин улар ёри—ҳалоли деб чеккан заҳматлари солган чизиқлар эканини ҳам илғаб олиш қийин эмасди.

Оёқлари ҳаракатсиз бўлиб қолган инсонга қаровчилик қилиш, умр вафодори бўлиш осон дейсизми? Баъзан ҳайрон бўласан киши: тоғлар емирилади, тошлар ёрилади, чинордек дарахтлар ҳам синади. Лекин, инсоннинг, айниқса, ўзбек аёлининг нозик жуссасидаги иродагина синмайди. Мен вафодор аёлларни кўрганимда доим шундай деб ўйлайман. Агар шундай ирода,. шундай меҳр, шундай буюк сабр бўлмаганда... Одамлар буткул вафосиз, меҳр-оқибатсиз бўлиб кетарди. Биз нима сабабдан Илҳомжон ва Қумрихон ортидан эргашдик? Чунки биз бу вафодор аёлнинг қўлларини тавоб этмоқчи, Илҳомжонга эса сўз билан мадад бермоқчи эдик.

Илҳомжонда ёри — дилдорининг муҳаббатига яраша жавоб муҳаббати яхши сўзи, хулқи борки, Қумрихон унинг атрофида парвона.

Ҳар куни икки маротаба бешинчи қаватдан (лифтда) шифохона ҳовлисига олиб тушади. Бир-икки соат боғ айлантиради. Яқин ердаги бозорчага олиб боради. Улбул нарса харид қилишади. Кейин эса фаввора атрофида дам олиб, узоқ суҳбатлашишади. Худди икки ошиқ-машуқ — Қумриқушларга ўхшаб. Атрофдаги кишиларнинг уларга ҳаваси келади. Мана шундай оғир дард ҳам муҳаббатни айира олмаганидан фахрланишади.

Касалхонадан чиқишимиздан бир кун олдин улар палатасида узоқ вақт шеърхонлик қилдик. Мен — «Одамлар орасида»ни, умр йўлдошим — Насибахон садоқат ҳақида ёзганим «Мажнунтол»ни ўқиди. Шеърга шеър уланиб кетди. Бизнинг ниятимиз, ҳеч бўлмаса, сўзларимиз билан Илҳомжоннинг дардини аритиш, Қумрихонга маънавий кўмак — далда бериш, унинг вафодорлигини алқаш эди.

Шеърхонликдан сўнг айрим китобчаларимга дастхат ёзиб бердим.

Икковининг кўзлари севинчга тўлди. Киприк қоқса севинч ёшлари тўкилиб кетадигандек.

— Мен энди нимадир қилишим керак эди, менинг ҳам қўлимда ҳунарларим кўп, ўйлаб кўрсам анча-мунча ишлар қилишим мумкин экан. Фақат қандай ишлашни, ҳаракат йўналишини билмасдим. Шеърлар менга йўл кўрсатди.

Шу арзимас шеърий туҳфадан икки севишган юракка бахт-шодлик тўлган экан, Бизларга жавоб тегиб қолди. Хайрлашгани палаталарига кирсак, «кўчага чиқиб кетишган» дейишди. Хайрлашолмаганимиздан армонда йўлга отландик.

Не кўз билан кўрайлик-ки, Қумрихон билан Илҳомжон аввалроқ ҳовлиги тушиб, бизни дарвоза олдида кутиб туришган экан. Менга улар болаликда кўрганим бир ҳодисани эслатиб юборишди: қишлоқ чеккаси майсазорга учиб кетаётган гуруҳдан бир турна қуш толиқибми, ярадор бўлибми тушиб қолди. Унинг жуфти эса атрофида гирён бўлиб, қайта-қайта қандай парвоз қилиш кераклигини кўрсатаётгандек ҳаракат қиларди. Бу қуш эса кўкка жовдирар, парвоз қилмоқчи бўлар, лекин узоққа учолмасди. Тепадаги қушлар— уларнинг дўстлари ҳам айланиб ҳечам нари кетолмасди. Илҳомжон ва Қумрихон ўша гўзал қушларга ўхшаб кетарди. Уларнинг қайта парвозига ишонгим келарди.

Биз худди туғишганлардек, минг йилги дўстлардек гул билан, кулгу билан хайрлашдик. Машина кўздан ғойиб бўлгунча ортимиздан қўл силкиб қараб қолишди. Биз ҳам улардан кўз узолмай, кўнгил узолмай кетдик. Не жафо-ю, дардларга учраган бу икки дил тақдирининг ҳеч қандай қонунларига бўйсунмас дардларини енга олишларига ишониб— умид билан кетдик. Дард чеккан инсон ёнида Қумрихондек вафодор суянчи бор экан, дардни енгиш осон кечади. Бу аниқ.

**Шуҳрат ОТАБЕК.**

PRESIDENT CUP UZBEKISTAN INTERNATIONAL TENNIS TOURNAMENT
TASHKENT 1994

# ЭЪТИБОР НУҚТАСИ: «ЮНУСОБОД»



### ФИНАЛГА ЙУЛ

Чак Адамс — «Президент кубоги» 1-халқаро теннис турнирининг ғолиби. Тошкентдаги мусобақа қатнашчилари орасида энг номдори ва АТП рейтинги бўйича энг юқори поғонадаги бу теннисчи, АҚШдан пойтахтимизга келгунича АТП рейтингида 85-ўринда турар эди. Тез кунларда Чакнинг «Юнусобод»-да қўлга киритган 100 очкосини қўшиб, неча поғона юқори кўтарилганини мутахассислар ҳисоблаб беришади. Табиийки, Чак Адамснинг ютуғи кутилмаган воқеа эмас. У бошқалардан кучли, маҳоратли эканини тошкентлик теннис муҳлисларига ҳам намойиш қилди. Чак илк ўйинидаёқ рақиби — Буюк Британиялик Эндрю Фостерни (Фостер АТП рейтингида 215-ўринда) икки сетда осон мағлубиятга учратди. Сўнг навбатдаги рақиби, Голландиянинг машҳур теннисчиси Я. Виннинкни доғда қолдирди. Чорак финалда Адамс кениялик Пол Векеса билан «тўқнашди». Векеса билан бўлган бу учрашув Адамс учун энг машаққатлиси деб айтиш мумкин. Кениялик спортчини мағлуб этишнинг ўзи бўлмади. Сал бўлмаса ютуғини қўлдан бой берай деган бўлажак финалчи ва ғолиб бор маҳоратини ишга солиб, бу учрашувни ҳам ўз фойдасига ҳал қилди.

Ярим финалда АҚШлик теннисчини Шандор Ножали кутиб турарди. Ҳа, ўша ўзимизнинг Темур Ғаниев ва чорак финалда Олег Огородовларни ўйиндан четлатган венгриялик Ножали. Ярим финалгача етиб келган Ножали анчагина абжир экан. Ўйин давомида бир неча бор Адамсни шошириб қўйди. Муросасиз ўтган ушбу учрашув охири 7/6, 3/6, 6/3 ҳисоби билан Адамс фойдасига ёзилди.

### ФИНАЛ

Мусобақаларнинг сўнгги 5 июнь куни финал ўйини бошланмасдан икки соатча олдин томошабинлар учун ажратилган ўриндиқлар гавжумлашиб қолган эди. Бундан биз қувондик, албатта. Республикамизда мухлислар сони ортиб, теннис ўз атрофига кўплаб шинавандаларни йиғаётганини оддий ҳол, деб кузатиб бўлмайди. Финал ўйини бошланганда бирорта ҳам бўш ўриндиқ йўқ эди. Киришни истаб, аммо жой йўқлигидан ташқарида қолиб кетганлар қанча!

Бельгиялик Де Вульф ҳам шу кунгача барча рақибларини енгиб, Адамс каби «Президент кубоги» учун даъвогарларнинг даъвогари эди. Финал томошабинларнинг олқишлари остида ўтди, десак муболаға бўлмас. Гоҳ Вульф, гоҳ Адамсни қарсаклар билан қўллаб-қувватлаб турган томошабинлар чиройли теннис ўйинининг гувоҳи бўлдилар. Биринчи ва иккинчи сетларда финалчилар ўзаро очко алмашишди: 6/4, 4/6. Ҳисоб 1:1. Асосий кураш учинчи сетдан бошланди. Геймлар бўйича ҳисоб 5:5, сўнг 6:6 бўлгани теннисчиларнинг ғалабага иштиёқини нақадар кучли эканини кўрсатиб турибди. Бундай пайтда ҳаммасини «подачи»лар ҳал қилади. «Подачи»да Адамснинг қўли баланд келди. Томошабинлар чиройли ўйин учун ҳар иккала теннисчини узоқ олқишлашди.

### ТАҚДИРЛАШ

Финални томошабинлар қаторида ўтириб томоша қилган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шахсан ўзи таъсис этган кубокни ғолиб — АҚШлик Чак Адамсга топширар экан, унга келгуси мусобақаларда ҳам ғалабалар тилади. Жуфтлик теннисчилар баҳсининг ғолиблари Карим Алами (Марокаш) билан Шандор Ножали (Венгрия)ларга ҳам ўзларига тегишли совға ва совринлар топширилди.

### ҚАНДИНГНИ УР, ОЛЕГ! СЕН ҲАМ, ТЕМУР!

Республикамиз теннисчиларига ғамхўрлик кўрсатувчи ҳомийлар ҳам борликларини билдириб қўйишди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбексавдо» концерни теннисчиларимизни рағбатлантириб, яхши ўйин кўрсатганлари ва Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилганлари учун тақдирлаш маросимида Олег Огородовга «Волга» ГАЗ—31, Темур Ғаниевга «Жигули» ВАЗ — 2106 автомашиналарининг калитини топширдилар. Дмитрий Тамошевичнинг ҳам кўнгли ўксиб қолгани йўқ. У ҳам хизматига муносиб тақдирланди.

### ФИНАЛДАН СЎНГ...

...Матбуот марказида ғолиб Чак Адамс билан журналистларнинг матбуот конференцияси бўлди. Чак барча саволларга жавоб қайтарди. Дастхат ёзиб бериш, бирга суратга тушишдан қочмади.

— Тошкентдаги бундай йирик турнирнинг биринчи ғолиби бўлганимдан бахтиёрман, — деди у навбатдаги саволга жавоб берар экан. — Тошкент ҳам, томошабинлар ҳам, «Юнусобод» спорт мажмуаси ҳам менга ёқди. Энди яхши хотиралар билан юртимга қайтаман.

«Ўзбекистонлик теннисчилар ҳақида нима дея оласиз?» деган саволга Чак:— Улардан умид қилса бўлади. Теннисчиларингиз ҳали ёш, бирмунча вақт ўтгач, улар ўзларини тўла намоён этадилар, — деб жавоб берди.

### ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

Биз турнир кунлари томошабин ва ташкилотчилар билан ҳам суҳбатлар уюштирдик.

**Даврон УМАРОВ — Ўзбекистон** спорт лотореялари Давлат корхонаси бош директори:

— «Юнусобод» марказий кортига 3000 га яқин мухлис сиғади. Ҳар куни томошабинлар учун 1900 тадан билет сотдик. Қолган қисми ҳокимликлар ихтиёрига, корхоналарга тарқатилди. 9 кун давомида бирорта ҳам билетимиз қолиб кетмади.

**— Турнир кўнгилдагидек ўтди деб айта оласизми?**

— Бўлмаса-чи, ташкилотчилик яхши бўлди. Ҳамма нарса ўз вақтида, аниқ, жой-жойида. Ўйинлар ҳам юқори савияда ўтди. Чиройли ўйинлар кўп бўлди, ҳақиқий мухлислар ҳақиқий теннис кўриб яхши дам олишди.

**Севара АЛИЕВА** —Тошкент техника университетининг толибаси.

—Эсимни танибманки, теннисни яхши кўраман. Шу пайтгача профессионаллар ўртасида теннис мусобақаларини ҳар замонда ойнаи жаҳон орқали кўриш мумкин эди. Мана энди ўзимизда ҳам бунинг имкониятига эга бўлдик. Бу ҳолдан қувончим чексиз. Ҳар куни келиб Тошкентга ҳақиқий «катта ракетка» усталари келганига ишонч ҳосил қилдим. Бу ердаги учрашувларни кўриб теннисга қизиқишим яна кучайди.

### АВТОБУСДАГИ СУҲБАТ

Душанба куни эрталаб ушбу қораламаларни кўтарганча таҳририятга ошиқаётган эдим. Автобусда иккита ўрта ёшдаги кишиларнинг суҳбатини эшитиб, завқим келди.

— Уч кун аввал ўғлимни теннисга, «Юнусобод»-га олиб борган эдим. Кеча ёпилишига ҳам олиб боринг, деб хархаша қилди. Аранг билет топиб бориб келдик.

— Меники ўзи борган эди. Ракетка билан тўп совға қилишган экан. Шунгами, ё ўзида бормиди, билмадим, энди ўртоқлари билан теннис тўгарагига боришмоқчи. Бораверсин-чи, зора шунга қизиқиб кетса...

**Нодир МАҲМУДОВ,**
**«Туркистон» мухбири.**

* * *

СУРАТЛАРДА: «Президент кубоги» турнирининг ёпилиши; Кубок соҳиби — Чак Адамс; жуфтлик бахсларидан кўриниш.

**Р. НУРИДДИНОВ, И. ШЕРБЕК ва М. АМИН суратлари.**





## ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ КУТМОҚДА

**Мамлакатимизда мактаб, ўқувчиларининг таътили бошланди. Ёз ойларида болаларни дам олдириш ва саломатлигини тиклаш касаба уюшмалари зиммасидаги муҳим вазифадир. Бу йилги ва мавсумга қандай тараддуд кўрилаётгани ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари М. ТЎЛАГАНОВА билан суҳбатлашдик.**

— Касаба уюшмалари кенгашлари ва қўмиталари, шунингдек, манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан маслаҳатлашиб, мавсумда 600 минг нафар болани соғломлаштириш режасини туздик, — деди Муҳайё Мирзаалиевна. — Бу жами ўқувчиларнинг 12 фоизи юртимизнинг хушманзара масканларида ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тиклайди, деган гап. Мавсумда икки минг беш юзта оромгоҳ фаолият кўрсатади. Уларнинг асосий қисми болаларни қабул қилишга тахт.

Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши болалар лагерлари ташкил этиш учун ижтимоий суғурта маблағидан 80,5 миллиард сўм ажратди. Бу маблағнинг қарийб 78,2 миллиард сўми дам олувчиларнинг овқатланиши учун сарфланади. Болаларни уч маҳал сифатли иссиқ таом, мева, полиз маҳсулотлари билан таъминлаш, маданий-маърифий тадбирлар уюштириш чораси кўрилмоқда.

**— Кўпчиликни йўлланма нархи қизиқтиради, албатта...**

— Ҳозирча унинг ўртача баҳоси 135 минг сўмни ташкил этаётир. Ҳар бир болани соғломлаштириш учун сарфланадиган ҳаражатнинг 50 фоизи ижтимоий суғурта маблағи, 20 фоизи корхона ёки ташкилотлар касаба уюшма қўмитаси ва 20 фоизи хўжаликлар ҳисобидан қопланади. Фақатгина 10 фоизини ота-оналар тўлайди. Яъни йўлланма уларга ўртача 13—14 минг сўмга тушади.

Йўлланмаларнинг ярми эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларнинг фарзандларига, ота-онасиз, болалар уйлари ва интернат-мактаб ўқувчиларига бепул берилади. Бу йил ҳам Оролбўйи ҳудудида

— Қорақалпоғистон ва Хоразмда яшовчи 6,5 минг нафар ўқувчи Тошкент вилоятининг хушманзара оромгоҳларида ҳордиқ чиқаради.

**— Бемор, парҳез сақловчи болалар учун махсус лагерлар ҳам борми?**

— Ҳа, айрим оромгоҳлар хаста фарзандларимизни дам олиши учун ихтисослаштирилди. Ҳозирги кунда саккиз вилоятда 33 та ана шундай оромгоҳ бор. Уларда турли ҳасталикка чалинган 25 минг ўқувчи саломатлигини тиклайди.

Соғломлаштириш лагерларига йўлланма бериш, уларнинг фаолиятини ва даволаш тадбирларини ташкил этиш соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Баҳорнинг серёғин келиши туфайли айрим вилоятларнинг тоғолди минтақаларида жойлашган лагерларни очиш кечикмоқда. Бироқ, касаба уюшмалари вилоят ҳокимликлари, оромгоҳлар таъминотини зиммасига олган корхона ва ташкилотлар мададига таяниб, бу муаммони бартараф этаётир.

Ўзбекистонда болаларни ёзги соғломлаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки бу тадбир «Соғлом авлод учун» дастурини амалга оширишнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

**А. ФОЗИЛ,**
**ЎзА мухбири.**


«Туркистон» тижорат маркази

ҚИБРАЙ САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА

Доимий ишга таклиф қилади:

- 5-6 разрядли электржиҳозларига хизмат кўрсатиш бўйича электрчилангар
- 5-6 разрядли назорат-ўлчов асбоблари ва аппаратлар буйича электр чилангар
- юридик бўлим бошлиғи
- ўзбек ва рус тилларини биладиган котиба-машинистка.

ИШЧИЛАРГА ИШБАЙ-МУКОФОТЛИ, МУТАХАССИС ВА РАҲБАРЛАГА ШАРТНОМА АСОСИДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.



Комбинатга "М.Горький" метро станциясидан 491-автобусда, ёки "Мустақиллик майдони" метро станциясидан 53-маршрутли таксида борилади (охирги бекат),
Кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.
Маълумотлар учун телефон 63-89-56.

«Туркистон» тижорат маркази


(Боши 2-бетда).

Ҳамма жойда маблағ масаласи чатоқлигини рўкач қилишади. Бундан ташқари, кўпгина вазирликлар ҳамон маъмурий тўрачилик тўрига чувалашиб қолганлар. Ҳатто ўз соҳасида яратилаётган илмий кашфиётлардан бехабар, ёки уларга нописанд қарашади. Масалан, яқинда қайсидир вазирлик ёғоч қириндиларидан маҳсулот тайёрловчи технологияни сотиб олиш учун бир чет давлат билан катта миқдордаги америка долларига шартнома тузишмоқчи бўлган. Биз бундан хабар топгач, худди шундай технология ўзимизда ҳам яратилганини айтдик. Ҳатто, кашфиёт эгаси ўз технологиясини Сирғали туманидаги Мебель корхонасида синовдан ўтказиб кўрсатди. Оқибатда, раҳбарият биз билан тил топишди ва ўша маблағ яна давлатимиз чўнтагида қолди!

**— Домла, шундай адашувчанликлар, ўзбошимчаликлар юз бермаслиги учун қандай чоралар қўллаш зарур, деб ўйлайсиз?**

— Истардимки, четдан бирор маҳсулотми, асбоб-ускунами сотиб олмоқчи бўлган раҳбарлар, мутахассис олимлар билан бамаслаҳат иш юритишса...

**— Ўзингизнинг ҳам бирор кашфиётингиз ҳақида икки-уч оғиз гапириб берсангиз?**

— Биз яқинда пардозбоп «пилитка»ларнинг янги турини яратдик. Маълумки, шу пайтгача бу хил қурилиш ашёлари сопол маҳсулотлардан тайёрланар, ғоят катта харажатлар талаб қилар эди. Маблағнинг кўп сарфланишига сабаблар, биринчидан сополнинг ўзи қиммат, иккинчидан биз хоҳлаган қурилиш ашёсини яратиш учун, сополни 1100—1300° даражада қиздириш керак! Бунинг учун жуда катта электр энергияси керак бўлади! Ундан кейин, баҳайбат-баҳайбат заводлар, ўшанга яраша ишчи кучи талаб қилинади. Бизнинг «пилитка»лар эса оддий цементдан, ҳеч қандай қиздирувсиз тайёрланади. Устига-устак, унинг учун гигант корхоналар зарурмас! Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, жуда катта маблағлар тежалади.

Бундан ташқари, тошлоқ (шлок) «ишқорли» деган цемент яратдик. Бу цемент ҳам юқорида айтиб ўтилган даҳмазаларсиз, оддий туйиб майдалаш йўли билан олинади! Бизнинг ушбу ихтиро Хоразм вилоятининг Хонқа туманида тажрибадан ўтказиб кўрилди. Натижа ёмон эмас. Айни кунда бизнинг ўша технологиямиз бўйича Урганчда, Қамашида ҳам кичик заводлар қуриляпти. Ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳам Хоразм вилоятига ташриф буюрганларида «кичик завод»ларимизнинг афзаллиги, бугунги кунда худди шундай корхоналар муҳимлигини гапириб ўтдилар.

**— Домла, газетхонларимиз, барибир босиб ўтган ҳаёт йўлингизга, илм йўлингизга қизиқишади. Шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтсангиз..**

— Мен Тошкентда туғилиб ўсганман. Отам иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар. Оилада икки фарзанд эдик: мен ва опам. Онамиз бизни оқ ювиб, оқ тарадилар. Мана, тақдир экан, қурилиш соҳасида ўқиб, шу соҳада ишладим. Илм билан шуғулландим. Худога шукр, ҳеч кимдан кам бўлганим йўқ. Ўз соҳам бўйича 235 дан ортиқ асар ёздим. Шунингдек, 9 қўлланмалар ва дарслик-монография, 30 та ихтиро иши каминанинг қаламига мансубдир 30 дан зиёд шогирдларим бор. Уларнинг кўпчилиги фанда анча таниклиб қолишди.

**— Кейинги пайтда ёшларнинг илмдан совиб бораётгани сезилмоқда.**

## Келажак масъулияти

# ОЛИМНИНГ ОЙДИН ХАЁЛИ



**Бу аҳволни қандай изоҳлайсиз?**

— Бу ҳол кўп зиёлилар қатори мени ҳам анчадан бери қаттиқ ташвишлантириб юрибди. Менимча, таниқли олимларни, профессор, ўқитувчиларни мактабларга, билим юртларига бириктириб қўйиш керак. Улар илмга лаёқатли, тиришқоқ болаларни танлаб, аста-секинлик билан фанга жалб қила боради. Бундан ташқари, эл назаридаги катта олимларнинг мактабларда, билим юртларида бўлиши ўқувчи ёшларда зўр қизиқиш уйғотади. Уларда илмга, фанга ҳавас қўзғайди.

**— Домла охирги, анъанавий савол: «Туркистон» мухлисларига, ёшларига тилакларингиз?**

— Келажакка ишонинг. Юртбошимиз айтганидек, элим деб, юртим деб, ёниб яшангиз. Ёшлар илмга интилинг. Бизнинг буюк келажагимиз шунга боғлиқ.

**Суҳбатдош:**
**Луқмон БЎРИХОН.**


## Келгуси сонда:

- ЮЛДУЗЛАР ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ
- ҲОЗИРГИ ЁШЛАР


Газета саҳифаланаётганда:

## ХИЗМАТГА ЛОЙИҚ ИЗЗАТ ҚАНИ?

**Буюк санъаткор Ботир Зокировнинг номини эшитмаган, унинг дилрабо қўшиқларини тинглаб ҳузурланмаган киши камдан кам бўлса керак. Бу шикастадил, шикаста овоз инсон эстрада оламида порлоқ юлдузлардан бири бўлиб қолди. Ботир Зокиров ўз таланти, ўз салоҳияти билан бутун ўзбек халқини оламга танитди: Рим, Париж, Варшава сингари йирик шаҳарлар саҳнасидан туриб неча-неча мусиқа ихлосмандларини ўзининг жозибали овози билан сеҳрлаб қўйди.**

**Лекин Ботир Зокировдек ўз эли, ўз юрти учун ёниб ўтган инсоннинг номини ҳамиша ҳам юксак тутаяпмиз, дея айтолмаймиз. Хусусан, у кишининг номига қўйилган кўчани кўриб ёқа ушлаб қоласиз. Тўғрироғи, бу жойни кўча деб аташга ҳам тилинг бормайди. Улуғ санъаткорнинг номига муносиб кенг, тоза кўча Тошкентдай шаҳри азимда қаҳатми? Ҳеч курса, Ботир Зокировнинг ўзи туғилиб ўсган «Интизом» деб аталадиган кўчани унинг номига қўйиш шунчалар қийинми?**

Ғайрат ТЎЛАГАНОВ.


Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон TURKISTAN

*Таъсис этувчи:*
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г— 996 42428 нусхада босилди, ҳажми—2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти —21.00. Босишга топширилди—21.00.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.
1 2 3 4 5 6.